ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00238

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Улуғбек Муроджон ўғли Зокиров
Чирчиқ давлат педагогика институти

Темур Рустам ўғли Каримов
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбиялашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш усуллари, ҳаракатли ўйинларни ўқувчиларнинг организмига ижобий таъсир етиши, ҳаракатли ўйинларни ўқувчиларнинг ақлий, эстетик, маънавий қобилятларини шакллантириш йўллари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: ҳаракатли ўйин, жисмоний сифат, миллий қадрият, жисмоний тайёргарлик, ҳаракатларга ўргатиш йўллари, гўдаклик даври.

METHODS OF USING MOVEMENT GAMES IN PHYSICAL EDUCATION OF PRIMARY SCHOOL PUPILS

Ulugbek Murodjon ogli Zokirov
Chirchik State Pedagogical Institute

Temur Rustam ogli Karimov
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

In the article, the methods of using movement games in physical education of primary schoolchildren of general secondary school, the positive impact of movement games on the pupils' bodies, the ways of shaping the mental, aesthetic, spiritual abilities of students of movement games are considered.

Keywords: moving game, physical quality, national value, physical preparation, ways of teaching actions, the period of infancy.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00238

КИРИШ

Мустақилликка эришган кундан бошлаб республикамизда таълим сохасига эътибор алохида қаратилди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг бринчи Президенти И.А.Каримов ёш авлод тарбиясига катта аҳамият бериб, шундай деган эди: "Ёш авлодни тарбиялаш биз учун энг асосий вазифадир". Шундан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда ўсиб бораётган авлодда мустаҳкам умуминсоний ишонч, қарашни шакллантириш; шахсда миллий маданият ва қадриятларни ҳурмат қилиш, авайлаб асраш туйғуларини ўстиришга диққатни қаратмоғимиз лозим.

Шу фикрларга асосланиб, ўсиб бораётган авлоднинг тарбия тизимида халқ педагогикаси тажрибаларига суянган холда ҳаракатли ўйинларни ўтказиш давр талабидир. Болани ўйинга ундаган омил унинг катта ёшдаги одамларнинг борлиқ тўғрисидаги ва шахслараро муносабати ҳақидаги тасаввури ва уларни шахсий фаолиятида синаб кўриш истаги, шунингдек, жамоа бўлиб ўйнаётган тенгқурлари билан бевосита мулоқотга киришиш иштиёқидир. Шу боисдан хам харакатли ўйин фаолиятида бола турли ҳаракатларни тўлалигича намойиш этишга, уларни бажариш усулларини кўрсатишга иштиёқманд бўлади, кейинчалик эса барча хатти-ҳаракатларни умумлаштириб акс эттиришга уринади. Ўйин болаларни жисмоний сифатларини ўстиришга ёрдам берадиган муҳим воситадир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XIX асрда В. Г. Беленский, Н. Г. Чернишевский, Н.А. Добролюбов ва Д. Н. Писаревлар Россияда ўқув – тарбия ишларида, жумладан, жисмоний тарбияда харакатли ўйинлардан кенг кўламда фойдаланиш лозимлигини айтганлар. Улар харакатли ўйинларга халқнинг соғлигини мустахкамлаш ва хар томонлама тарбиялаш воситаси сифатида қараганлар. Г. В. Плеханов жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёнида мехнат ўйиндан юқори турса хам лекин бола хаётида ўйин фаолияти мехнатдан олдин еканлигини биринчи бўлиб, материалистик нуқтаи назаридан туриб исботлаб берган еди.

П. Ф. Лесгафт ўзининг жисмоний машқлар системасидаги ўйинларни жисмоний тарбия воситаси сифатида ифодалайди. У ўйин ёрдамида бола хаётга тайёрланишини айтади. П. Ф. Лесгафтнинг харакатли ўйинларни ўтказиш учун қўйган талабалари хозирги пайтгача ўз қимматини ёқотгани ёқ; чунончи, у хар бир ўйин олдига аниқ мақсадлар қўйиши, ўтказилаётган ўйинлар қатнашувчиларнинг куч ва қобилиятига иос келиши, ўйин шуғулланувчиларга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00238

ижобий таъсир кўрсатиш лозимлигини, ўйинларни системали тарзда ва мунтазам равишда ўтказиш, қатнашувчиларнинг активлиги ва мустақиллигининг оширишга харакат қилиш зарурлигини уқтирган еди.

Н. К. Крупская ўйинлар бола хаётида катта рол ўйнашини таъкидлаб, шундай деган эди: “Болалар фақат ўқиш мобайнида ўсиб қолмай, балки ўйин жараёнида хам ўрганадилар, улар уюшишни ўрганадилар, хаётни тушунишни ўрганадилар”. Н. К. Крупскаянинг фикрича, ишни шундай ташкил қилиш керакки, ўйинлар ёш авлодни коммунистик рухда тарбиялашга ёрдам берсин. Ўйинлар хар хил бўлади. Баъзи ўйинлар борки, улар болаларда қўполликни, мақтанчоқликни, кеккайишни ва бошқаларни ўстиради.

НАТИЖАЛАР

Гўдаклик давридан мактабгача ёшга ўтган боланинг фаолияти катталар раҳбарлигидаги фаолиятдан мустақил ўз-ўзини назорат қилиш даражасига ўсиб ўтади. Бироқ, юқорида таъкидланган барча шарт-шароитлар ўзаро узвий бўлмаслиги сабабли ҳар қандай ўйиннинг негизи вазифасини ўтай олмайди ва шунга кўра маълум даргача ўйин фаолияти предметларга боғлиқ тарзда амалга ошади. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, ўйин ўз ўзидан вужудга келмайди, бунинг учун бир қатор шароит мавжуд бўлиши керак: а) боланинг онгида уни қуршаб турган воқелик тўғрисидаги хилма- хил таассуротларнинг таркиб топиши; б) ҳар хил кўринишдаги восита ва тарбиявий таъсир усулларининг мавжудлиги; в)боланинг катталар билан тез- тез муомала ва мулоқотга киришуви. Бунда катталарнинг болага бевосита таъсир кўрсатиш услуби қилувчи роль ўйнайди. Бу объектив шарт-шароитнинг ўзи миллий халқ ҳаракатли ўйинларини ташкил этиш, яратиш учун ҳали етарли эмас, бунинг учун бола билан катталар ўртасидаги муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Акс ҳолда мустақиллик вужудга келмайди.

Қадимдан ота-боболаримиз ҳам болаларда аввало қаттиққўллик билан иродани, мустақилликни тарбиялаб, жуда кўп мақсадларни кўзда тутишгани маълум. Бунда катталар болаларга нисбатан талабчанликни ошириб, болани мустақил равишда ҳаракат қилишга ўргатишлари лозим. Шунга ўхшаш тадбирлар болада мустақиллик ва мустақил фаолиятни ташкил қилиш укувини шакллантиради. Мактабгача ёшдаги бола аста-секин катталарнинг ҳаёти ва фаолияти дунёсига кириб боради, олдин ҳамкорликдаги фаолиятда намоён бўлган ижобий ҳис-туйғулар, шижоат ва дадиллик сари етакловчи руҳий кечинмалар намуна даражасидаги катталарнинг руҳий оламига кўтарилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00238

Мактаб ёшида боланинг ўзи мустақил равишда катталарнинг ҳаёти ва фаолиятига кириш йўлларини топа бошлайди. У кейинчалик катталар ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳасида, шахслараро муносабатларида қатнашиш истагини кўрсатадиган бўлади. Шунинг учун халқ миллий ҳаракатли ўйинлари катталар билан бола ўртасида янгича муносабатни вужудга келтиради ва бу муносабатда миллий хусусиятлар: ўз юртини қадрлаш, ҳурмат қилиш, катталарга ҳурматда бўлиш каби фазилатлар шаклланиб, таркиб топиб боради. Ўйин фаолияти ўзининг мазмуни ва моҳияти билан ижтимоийдир. Миллий ҳаракатли ўйинлар бола мустақил фаолиятининг ёрқин намунаси бўла олади, бу жиҳатдан ўйинларнинг мазмуни орқали у катталарнинг ҳаёти билан яқиндан танишади. Ўйинда ана шу ўйин шароити ва предметли ҳаракатларнинг ўзаро муносабатида асосий эътибор предметлар билан кўпинча ҳаракат қилишга қаратилишини, бунда предметли ўйинлар масалан: тош билан, чопон, дўппи билан ва ҳоказолар бола ҳаракати учун етакчи фаолият вазифасини ўташини ҳам айтиб ўтиш керак бўлади. Аммо бола ўйинларда қандайдир вазифани бажара олади, буни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Масалан, бирор предметни бир объектдан иккинчисига етказишга белгиланган ўйинларда шундай ҳолат рўй бериши мумкин. Миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш жараёнида бошланғич мактаб ўқувчиларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак:

1.Боланинг катталар фаолияти, уларнинг предметларга муносабати ва ўзаро муомаласига, муносабатига қизиқиши.

2.Болалар халқ ҳаракатли ўйинлари атрофдаги воқеликнинг энг ташқи ифодали, жўшқин ҳис-туйғули жиҳатларини акс эттиришини.

3.Харакатли ўйинларда боланинг катталар билан бир хил шароитда, ягона заминда яшаётганини ҳис этган ҳолда ўз истагини амалиётга тадбиқ қила олиши.

МУҲОКАМА

Олиб борилган илмий тадқиқот ишларидан маьлум бўлдики, ўқувчиларнинг бир гуруҳи ўрганиш материалларини тез, иккинчи гуруҳ нисбатан кечроқ, учинчи гуруҳ эса анча кеч ўзлаштириб оладилар. Ундан ташқари, ўрганиш материалларини ўзлаштиришда умумий жисмоний тайёргарлик катта аҳамиятга эга. Боланинг жисмоний тайёргарлигига иқтисодий шароитлар: турар жойи, оиланинг моддий аҳволи, болалар сони, ота-онанинг билими, дунёқараши ва уларнинг иш жойи ва бошқалар таъсир

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00238

кўрсатиши мумкин. Олиб борилган кузатишлар ва тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, болаларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги, дунёқараши, машғулотлар жараёнидаги фаоллиги юқорида баён қилинган омиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб уларнинг жисмоний оширишда катта ахамиятга егадир.

Харакатли ўйинлар ана шу мақсадда жуда кенг қўлланилиб келинаётган мухим жисмоний тарбия ва спорт воситаларидан биридир. Ўйин одамларга хос фаолиятнинг муайян шаклларидан биридир. Ўйин тушунчаси ёш боланинг шақилдоқ билан бажарадиган оддий харакатларидан тортиб, катталарнинг то баскетбол, волейбол, хоккей ва бошқа жуда кўп спорт турларида амалга оширадиган жисмоний фаолиятларини ўз ичига олади. Ўйин шартли қўйилган мақсадда еришишга қаратилган онгли фаолиятдир. Ўйинда қандайдир моддий бойликлар ишлаб чиқарилмайди. Ўйиннинг мақсади ўзида. Ўйин тарихий жараёндир. У жамият ривожланишининг дастлабки босқичларида пайдо бўлган. Ўйин инсонга гўдаклигидан то қаригунча хамрохдир. Ўйинга фақат жисмоний тарбия воситаси сифатида қараш нотўғри бўлади. Чунки у шахснинг тарбияси ва шаклланишига умумий таъсир кўрсатади. Шу боис, ўйин доимо педагоглар, психологлар, файласуфлар, санъатшунослар, шифокорлар ва бошқалар диққатини ўзига тортиб келган. Хозирги пайтда ўйиннинг пайдо бўлиши, ривожланиши хақида иккита: материалистик ва идеалистик қараш мавжуд. материалистларнинг фикрича ўйинни мехнат келтириб чиқаради, унинг ривожланишини белгилайди. Ўйин ва мехнатни бир – бирига қарама - қарши қўядилар. Одамларнинг онгли ўйини ва хайвонларнинг онгсиз харакатлари орасидаги фарқни кўрмайдилар. Боланинг ўсиши ва ривожланиши билан ўйинларнинг мазмуни ўзгаради, ўйин фаолияти дастлабки босқичларда оддий характерда бўлса, кейинчалик у бойиб боради. Иқтисодда ва мехнат жараёнидаги ўзгаришлар ўйинларнинг мазмунига таъсир кўрсатади. Бунда ески ўйинлар қайта ишлаб чиқилади, янгилари пайдо бўлади. Одамларнинг ўйинлари хайвонларникидан ана шу билан қайта фарқ қилади.

Ўйинчилараро ҳаракатларнинг ташкил қилиниши енг аввало ўйиннинг мазмуни билан белгиланади. Спорт елементлари мавжуд бўлган ўйинлар хам ўз вазифасига кўра иккига бўлинади; жамоали гуруппаларга ажратилади. Командасиз ўйинларда коллектив вазифалар ёқ. Хар бир ўйинчи ўз холича харакат қилади. Кейинчалик муайян бир вазифани хал қилиш учун группалар ташкил қилинади. Жамоали ўйинларда мусобақа командалар ўртасида олиб борилади. Бунда алохида ўйинчиларнинг манфаатлари команда манфаатларига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00238

бўйсундирилади. Харакатли ва спорт ўйинлари қуйидаги ўхшашликларга ега: 1.Харакатли ўйинлар хам, спорт ўйинлари хам халқ ижодиётининг натижасидир. 2.Харакатли ва спорт ўйинларининг хар иккиси хам харакатлар ва қатнашувчиларнинг ўзаро харакатларидан иборат фаолиятдир. 3.Ўйинларнинг иккаласи хам муайян қоида бўйича ва судъялар иштироки билан ўтказилади. Спорт ўйинлари харакатли ўйинлардан қуйидагилар билан фарқ қилади: Спорт ўйинларининг қатнашувчилари жисмоний, техник, тактик, психологик назарий жихатдан тайёргарлик кўрган бўлишлари талаб қилинади. Спорт ўйинлари бўйича ўқув машғулотлари йил давомида мунтазам суратда ўтказилиб туриши вақатнашувчилар ўз махоратларини тўхтовсиз ошириб боришлари талаб қилинади. Жисмоний - тарбия жамоаларидан бошлаб Олимпия ўйинларигача, хамма учун баробар қоидалар асосида мунтазам равишда мусобақалар ўтказилиб туриш талаб қилинади. Хулоса қилиб айтганда, соғломлаштирувчи омиллар таркибига кирувчи барча жисмоний фаолиятлар, хаётда учрайдиган табиий омиллар, харакатли ўйинлар, қадимги аждодларимиздан қолган буюк мерос ва бебахо неъматдир. Булар хақида олий даражада фикр юритган ва ўзларининг ўгитларини изхор қилиб кетган буюк алломалар, донишмандлар, давлат арбобларининг жисмоний тарбия, саломатлик, инсон фаолияти, ақл - заковати хақида сўнмас асарларини ўрганиш, хозирги давр тақозоси билан хаётга боғлаш мухим вазифалардан бири бўлмоғи керак.

ХУЛОСА

1. Педагогика кузатишлардан маьлум бўлган мунтазам режа асосида ташкил қилинган тарбия дарси ва кун тадбиридаги соғломлаштириш тадбирларида харакатли ўйинлардан унумли фойдаланиш болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириши аниқланди.

2. Илмий-услубий адабийларда бошланган синф ўқувчилари учун харакатли ўйинлар берилган бўлади,амалда ўйинлардан етарли даражада ажратилмаганлиги аниқланди.

3. Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбиясининг қуйидаги асосий вазифаларини бажаришда ҳам халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг роли ва ўрни ниҳоятда катта эканлиги кўринади: Харакатли ўйин фақат билиш жараёнларини такомиллаштириб қолмай, боланинг хулқ-атворига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бошланғич синф ўқувчилари ҳам, юқори синф ўқувчиларида ҳам таркиб топтириш мумкин. Чунки бирор мақсадга йўналтирилган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00238

машғулотга нисбатан ҳаракатли ўйинларда хулқ кўникмаларини олдинроқ ва осонроқ эгаллаш мумкин. Харакатли ўйинлардан фойдаланишда, уларни қўллашда шуни ҳисобга олиш керакки, бу ёшдаги болалар аниқликни талаб этадиган майда ҳаракатга қараганда кенг, кучли ҳаракатларга анча мойил бўладилар.

REFERENCES

1. Зокиров У.М. “Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни мониторингини ташкил этиш”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (3), 1115-1121. (2020).
2. Зокиров У.М. “Эркин курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини такомиллаштириш усуллари”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (2), 306-314. (2020).
3. Зокиров У.М. “Совершенствование тренировочного процесса студентов факультета физической культуры специализирующихся в спортивной борьбе” маг. Диссертация ФерГУ 2020 г. 25,26,27,28.
4. У.М.Зокиров Моделирование соревновательной деятельности борцов-курашистов. одам физиологияси, валеологияси ва хаёт фаолияти хавфсизлигининг долзарб муаммолари Илмий ва илмий-техник анжумани материаллари 2019. 198,199,200.
5. У.М Зокиров “Индивидуализация технико-тактической подготовки борцов курашистов при моделировании соревновательной деятельности”. Мамлакатимиз олий таълим тизимида жисмоний маданият таълимини модернизациялаш стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари 2019. 82-85.
6. Зокиров У.М., Патидинов К.Д. “Умумий ўрта таълим мактаби 7 – 8 синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини жисмоний ривожланишига боғлиқлиги”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (4), 693-697. (2020).
7. Усмонходжаев Т. С. Организация и проведение физкультурно-оздоровительных мероприятий в режиме дня школы. // Организация двигательного режимы как фактор совершенствования двигательной подготовленности учащимся начальных классов в процессе физического воспитания. Сборник научных трудов. –Ташкент. 1988. - С. 12-21. 50.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00238

8. Усмонхўжаев Т.С., Хўжаев Ф. Ҳаракатли ўйинлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - 184 б. 51.
9. Усмонходжаев Т. С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активности. Автореф. дисс.… д-ра пед. наук. –Ташкент: 1995. -50 с.
10. Ruzibaeva, N. R. (2021). COGNITIVE LINGUISTICS: BASIC CONCEPTS. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 438-446.
11. Shonazarovna, M. V. (2019). SOME WAYS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGE AT AN EARLY AGE. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(10).
12. Mamadayupova, V. S. (2015). Application of information technologies in the course of training in the foreign language. European Journal of Education and Applied Psychology, (1), 6-8
13. Raufov, M. M. (2021). ELEMENTARY TRANSFORMATIONS IN SIMULTANEOUS TRANSLATION. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 484-490
14. Baxriddinova Muyassarxon Rahimovna (2020). THE LEXICOGRAPHICAL ASPECTS OF LEGAL TERMS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES. Oriental Art and Culture, (V), 143-146.). T
15. Baxriddinova, M. R. (2016, September). Эффективные методы предотвращения конфликтов в Высших учебных заведениях. In XIV Международная научно-практическая конференция (второй этап)«Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития»НЕ LE
16. Бахриддинова, М. Р. (2021). О ПРОЦЕССЕ ТЕМАТИЧЕСКОГО ОБЪЕДИНЕНИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ. Academic research in educational sciences, 2(1).